

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ПОЛИЭТНИК ТАРКИБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Атаханов Рафикжон Сотволдиевич

Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада узоқ йиллар давомида Марказий Осиёдаги кўплаб этносларнинг Фарғона водийсига миграция жараёнлари таҳлил ва тавсиф этилган. Шунингдек, уларнинг водий бўйлаб жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда маҳаллий аҳоли билан интеграциялашуви кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Миграция, Марказий Осиё, этнос, полиэтник, кичиб келиш ва жойлашиш, интеграция, этник жараёнлар.

**Аннотация:** В данной статье анализируются и описываются миграционные процессы многих этносов Центральной Азии в Ферганскую долину на протяжении многих лет. Также показаны особенности их расселения вдоль долины и интеграции с местным населением.

**Ключевые слова:** Миграция, Центральная Азия, этнос, полиэтник, переселение и расселение, интеграция, этнические процессы.

**Abstract:** This article analyzes and describes the migration processes of many ethnic groups in Central Asia to the Fergana Valley for many years. Also, the specific features of their location along the valley and their integration with the local population are shown.

**Key words:** Migration, Central Asia, ethnos, polyethnic, pereselenie i rasselenie, integration, ethnic processes.

Илмий адабиётларда «миграция» тушунчасига «кўчиш, жойни ўзгартириш, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир тарихий маданий вилоятдан бошқа худудга кўчиши» деб таъриф берилади. Халкларни ёки унинг бир



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

кисмини маълум сабабларга кўра бошқа ҳудудга кўчиши албатта ўша ҳудуддаги ҳолатга, биринчи галда этник жараёнларга таъсир кўрсатади. Ўзига хос тарихий географик хусусиятга эга бўлган Фарғона водийси қадимдан миграцион жараёнлар жадал кечган тарихий-маданий ўлка ҳисобланади. Ушбу ҳудудга антик ва ўрта асрларда жуда кўплаб этник жамоаларнинг вакиллари ва хатто бутун-бутун халқлар кўчиб келганлар ёки бу ўлка орқали ўтганлар. Натижада водий аҳолисининг этник таркиби тобора бойиб борган.

Тарихдан маълумки, милоддан олдинги 150 йилп усун қабилалари Тяньшон тоғ этакларида яшаб турган юечжи қабилаларга каттик зарба берди [1]. Натижада уларнинг катта бир қисми - Да-юечжилар ғарбга қараб силжидилар. Да-юечжиларнинг ғарбга миграцияси дастлаб Фарғона водийси орқали бошланди. Да-юечжилар маълум вақт Фарғона ерларини эгаллаб, сўнгра ғарбга томон ҳаракатландилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, юечжиларнинг айрим гуруҳлари водий ҳудудида ўрнашиб қолиб, маҳаллий аҳолининг этник таркибига қўшилди.

Милодий II-IV асрлар ҳам миграцион жараёнларни анча жадал тус олганлиги билан харақатланади. Бу асрлар мобайнида Ўрта осий, хусусан Мовороуннахр ҳудудларига Жанубий Сибир, Жунгория, Шарқий Туркистондан бир қанча қабилалар, хусусан *хионийлар*, *кидарийлар* ва *эфталитлар* келиб жойлаша бошладилар. Милодий IV-VI асрларга келиб, улар Амударё билан Сирдарё оралиғидаги аҳолининг асосий қисмини ташкил этдилар [2].

Турк ҳоконлиги даврида (VI-VIII) Урта Осийнинг марказий минтақаларига, жумладан Фарғона водийсига туркий қабилаларининг миграцияси жадаллашди. Фарғона водийсига кўчиб келиб ўрнашган туркий элатлар ичида *қарлуқлар* кўпчиликни ташкил этган [3]. Бу даврда қарлуқлардан ташқари *холож*, *чигил*, *ягно* ва бошқа туркий тилли қабилалар ҳам ушбу ҳудудга кўчиб келиб жойлашганлар.

Араб истилоси даврида Мовороуннахрга, жумладан, Фарғона водийси ҳудудига туркий элатларнинг катта-катта гуруҳ бўлиб кўчиб келиши жадаллашди. IX асрнинг 30-йилларига келиб, *қарлуқлар* араблар томонидан Фарғонадан сиқиб чиқарилади ва улар (*қарлуқлар-Р.А*) водийнинг шимолидаги тоғли ҳудудларига ўрнашадилар.

VIII—XII асрлар давомида Мовороуннахр, хусусан Фарғона ҳудудига туркий элатлардан ташқари яна бир қанча этник гуруҳлар кириб келган. Масалан, 712-



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

722 йиллар ичида араблар таркибидан қочиб сўғдийларнинг катта бир қисми Фарғонага келиб жойлашдилар. Тахминан 1137 йили эса Фарғона водийси ҳудудига Қорахонийлар бостириб кирди ва маълум муддат ушбу ҳудудни ўзларининг таъсир доирасига олдилар. Бирок 1218 йилда улар мўғуллар томонидан сиқиб чиқарилди.

XIII аср бошларида Ўрта Осиё, жумладан Фарғона ҳудудлари Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинлари томонидан босиб олинади. Чингизхон кўшинининг таркибида мўғуллар билан бирга турклар ва турклашган мўғуллар кўпчиликини ташкил қилар эди. Ушбу уруғ-қабилалар қадимдан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида хусусан, Ғарбий Қозоғистон, Тобольск ва Тюменда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари эди. Мазкур ҳудудларда истикомат қилган *арлот, бахрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, қарлук, можор кипчок, киёт, қўнғирот, манғит, наймон, нукуз, тангут, қушчи, туман, минг* ва шу каби бошқа уруғ-қабилалар XIII аср охири ва XIV-XVI аср Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан «Ўзбек» деб аталган [4]. Улар кўчиб келган ерлар, яъни Шарқий Дашти Қипчоқ эса «мамлақати ўзбек» («ўзбек мамлақати») деб номланган.

XV аср охири - XVI аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудидига Дашти-Қипчоқдан бир қанча уруғ-қабиларнинг янги оқими кириб келди Хусусан, Фарғона водийсига бу даврда қўнғирот, қиёт, кенегас, манғит, сарой, юз, кипчоқ каби турк-мўғул қабилалари Дашти-Қипчоқ ўзбеклари таркибида кўчиб келиб, жойлашганлар.

Турли этник гуруҳларни Фарғона водийси ҳудудига кириб келиб жойлашиши кейинчалик ҳам давом этди. Хусусан, XVII ва XVIII асрларда қалмиқлар сиқуви натижасида Тяньшань тоғининг шимолида яшовчи қирғизларнинг катта гуруҳи Фарғона ерларига келиб ўрнашадлар [5]. Қирғизларнинг Фарғона водийсига кириб келиши то XX асрнинг бошларигача жадал кечди. Бу давр ичида Етгисув, Авлиё Ота, Талас, Қашғар, Олой ва Қоратегиндан ўнлаб қирғиз уруғлари Фарғона водийсига келиб ўрнашадилар. Кўчиб келувчиларнинг аксарияти ўз чорвалари учун янги яйловлар излаб, бутун водий бўйлаб (асосан тоғолди ва адир яқинларига) уруғчилик принципи асосида жойлашадилар.

XVIII асрда Бухоро хонлигида юз берган сиёсий инкироз кўплаб халқларни ушбу ҳудудни ташлаб кетишга мажбур этади. Натижада, Бухоро, Самарқандда яшаган аҳолининг бир қисми водийга келиб ўрнашадилар. Айни вақтда водий аҳолисининг сони жунғорлар таъқибидан қочган Тошкент, Чимкент ҳамда



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий районида яшаган туркий халқлар ҳисобига ҳам купайди [6]. Хусусан, Сирдарёнииг ўрта окимида яшаб турган қорақалпоқлар Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлаша бошлайдилар. Қорақалпоқларнинг асосий қисми XVIII аср давомида водийга кўчиб ўтган бўлса-да, бу жараён то XIX аср бошларигача давом этган [7]

XVIII аср ўрталарида қалмиқларнинг бор водий ҳудудига бостириб кирадилар. Бирок, Фарғона аҳолисининг кагтик қаршилигига учраган қалмиқлар водийни ташлаб чиқадилар. Шундай бўлсада, ёзма ва топонимик манбалардан маълумотларига кўра, бир гуруҳ қалмиқлар водийда турғун қоладилар ва маҳаллий аҳолига аралашиб кетадилар .

XV-XVII асрлардаёқ Фарғона ҳудудига Шимолий Тожикистоннинг тоғли ҳудудларидан хусусан, Матчои, Қоратегин, Дарвоз, Кулоб ва Хисордан тожиклар кўчиб келиши кузатилган. Тоғли тожикларри водийга кўчиб келиши XIX-XX аср бошларида айниқса фаоллашади. Бу даврда водийга кўчиб келган тожиклар ичида Қоратегиндан чиқиб келган тожиклар кўпчилигини ташкил этган. Улар асосан Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларига иш истаб келиб, водийда турғун яшаб қолдилар.

Шу ўринда таъкиллаб ўтиш жоизки. кўплаб тоғли-тожиклар Кўкон хондиги кўшинларида хизматда ҳам бўлганлар. Масалан, Ниёз-Муҳаммаднинг «Тарих-и-Шохрухий» асарида кўрсатилишича, XIX аср бошларида Кўкон хони Олимхон ташкил этган янги кўшин таркибида 6000 да зиёд тоғли тожиклар бўлган [8].

Шунингдек, XVII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Шарқий Туркистон ҳудудида яшовчи уйғурларни Фарғона водийси ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларига кўчиб ўтиши кучаяди. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида хитой феодалларига қарши кўтарилган мусулмонлар кўзғолони бостирилиб Қашғар вилояти Хитой кўшинлари томонидан босиб олингандан сўнг Шарқий Туркистон аҳолисининг Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтиши оммавий тус олди [9]. Миграция жараёнлари Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин ҳам тўхтамади. Бу вақтга келиб, ўлкага руслар, украинлар, Волгабўйи татарлари, арманлар озарбойжонлар ва бошқа халқларнинг кўплаб кўчиб келиши кузатилди.

Шундай қилиб, узок давом этган этник ва миграцион жараёнлар натижасида XX аср бошларига келиб Фарғона водийси аҳолиси мураккаб, айнаи вақтда ўзига хос полиэтник таркибга эга бўлди.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни жараёни. Тошкент, 2001 й. – Б.86
2. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни жараёни. Тошкент, 2001 й. – Б.27-29
3. Шониязов К. Узбеки – карлуки.Т.: 1964. – С.20.
4. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
- 5.Абдуллаев У.С., Атаханов Р.С. Из истории узбекско-киргизских этнокультурных взаимоотношений (по материалам Ферганской долины) // журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2014. - № 2. – С. 120-124.
6. Абдуллаев У.С., Каримова М.А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщинб Ферганы: традиция и современность // Международный исследовательский журнал. – 2015. - №. 4. – С. 3-7.
- 7.Атаханов Р. С., Ахунов М. А. Каракалпаки Ферганы: в прошлом и настоящем (анализ полевых исследований) //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 82-90.
8. Беймембиев Т.К. “Тарих-и-Шахрухи” как исторический источник. Алмата. 1987. – С.80
9. Худойназаров Б.Б. Ўзбекистон уйғурлари диаспораси тарихи (1925-2012 йй.) т.ф.ф.д (PhD) дисс. Автореф. Тошкент-2018.

